

**ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШГА ОИД РИВОЖЛАНГАН
ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Рахмонов Зафаржон Зайниддинович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
институтининг доценти в.в.б

E-mail: z.raxmanov95@gmail.com

Жаҳон миқёсида давлат бошқарувини модернизация қилиш, фуқароларга кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти билан бир қаторда, “халқ учун хизмат қилувчи давлат” тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳар бир мамлакатнинг давлат хизмати тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Шу муносабат билан давлат хизматларини кўрсатиш тизимини самарали, шаффоф ва фуқаролар учун қулай шаклда ташкил этиш масаласи кўпгина мамлакатлар диққат марказида турибди.

Айни пайтда дунё мамлакатлари турлича давлат бошқаруви моделларидан фойдаланган ҳолда, давлат хизматлари кўрсатишда ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантирган. Бу эса давлат хизматлари самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Хусусан, Сингапур, Эстония, Канада, Жанубий Корея, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлат хизматларини рақамлаштириш, марказлаштириш ва фуқаролар манфаатларини энг олий қадрият сифатида белгилашда юқори самараларни намоён этмоқда.

Дунёда давлат хизматларини такомиллаштиришнинг биринчи тенденцияси очиқликка интилиш сифатида қабул қилинади. Бунда давлат

organlari faoliyatining barча йўналишлари, fuqarolar bilan ўzaro munosabatlarning mumkin бўлган usullari tўғrisida tўliq maълumotlar olish va fойdalаниshning mavjudligi muҳim aҳamiyatga эga. Davlat xizmatlarini rivojlanтиrishi иккинчи тенденцияси sifatни ошириши hisobланади. Rivojlangan davlatlar buning uchun turli usullarni қўллашади, хусусан sifat standartlarini жорий қилиш, уларни доимий назорат қилиб бориш. Sifat standartlarining mavjud бўлиши davlat xizmatlarini sifatли va ўz вақтида қўрсатилишининг бош омилларидан биридири. Uчинчи тенденция бу – икки томон мослашувчанлигини ошириши hisobланади. Бу тенденция ҳар бир davlatning ҳудудий birlikлари (вилоят) аҳолиси сони, ижтимоий-иқтисодий ва ёш таркиби ўғарса-да, хизmatларда бўлган талаblарнинг доимий равишда кучайишини англатади va қўрсатиладиган davlat xizmatлари аҳолининг таркиби va миқдорига мослашувчан тарзда олиб бориш кераклигини билдиради.

Шунингдек, бугунги кунда davlat xizmatlarini қўрсатувчи субъектлар сонини кенгайтириш tўртинчи тенденция sifatида олинмоқда. Масалан, Буюк Британия ҳукумати бундай хизmatлар нафақат davlat va йирик корхоналар, балки ўрта va кичик ташкилотлар томонидан ҳам тақдим этилиши имконини қўриб чиқмоқда.

Davlat xizmatlarini қўрсатишда бир қатор моделлар ҳам mavjud. Шулардан бири француз модели hisobланади. Бу модель Испания, Италия va Лотин Америка davlatларида кенг тарқалди va ушбу davlatлар davlat xizmatlarini ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишда француз моделига

электрон каналларни тақдим этади. Масалан, бундай тизим Нидерландияда (GTR - Ҳукумат транзакция портали) ва Австрияда тулиқ ишлайди.

Дания e-boks тизимини жорий қилди, унинг мақсади анъанавий почта конвертларида қоғоз кўринишидаги хатларни хавфсиз почта қутиси орқали электрон ҳужжатларни жўнатишга алмаштиришдир. Ҳужжатлар www.e-boks.dk махсус веб-сайтида архивланади. Ушбу тизимдан фойдаланиш учун юридик шахслар ва бўлимлар абонент тўловини, шунингдек, ҳар бир алоҳида юборилган ҳужжат учун тўловни тўлашади, бироқ у барибир ҳужжатларни оддий почта орқали жўнатишдан кўра арзонроқ ва самаралироқ бўлиб чиқади. Фуқаролар учун бу хизматлар бепул. 2001 йилда ушбу хизмат жорий этилганидан сўнг, у жуда машҳур бўлиб, 271 муниципалитетдан 260 таси ва мамлакатнинг 5,5 млн фуқаросидан 500 000 таси фойдаланмоқда. Ҳар бир почта қутиси фуқаронинг ноёб идентификация рақами билан боланган бўлиб, унга умрбод равишда берилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида илдамлаган давлатлардан яна бири бу – Сингапур ҳисобланади. Сингапур иқтисодий модернизация сари илдамлаганлиги сабабли, ҳукумат ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини кондиритиш учун давлат хизматларини кенгайтириш лозимлигини тўғри англаган давлатлардан биридир. Бош вазир Ли Куан Ю Сингапур бошқарувини модернизация қилишда ва электрон ҳукуматни йўлга қўйишда кўплаб ташаббуслар кўрсатди. Буюк ислохотчининг электрон ҳукуматни оёққа турғизиш бўйича фаолиятининг асосий жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:



- технологик инновацияларни қабул қилиш. У маъмурий самарадорликни ошириши, давлат хизматларини кўрсатишни соддалаштириши ва шаффофликни ошириши мумкинлигини тушунди.

- модернизация ва самарадорлик учун кураш. У маъмурий тузимни ислоҳ қилиш ва технологияларни қўллаш орқали фуқароларга хизмат кўрсатишни яхшилашга эътибор қаратди.

- Электрон ҳукумат учун стратегик асосларни яратиш. Бунда рақамли инфратузилмага сармоя киритиш, рақамли трансформацияни қўллаб-қувватлаш бўйича миллий сиёсат ишлаб чиқилди.

- Инновацияларни қўллаб-қувватлаш. Технологик тараққиётни қўллаб-қувватлаш учун давлат секторида инновациялар маданияти ривож топди.

Шунингдек Сингапурда тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматларини кўрсатиш учун алоҳида платформа фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу “GoBusiness” платформаси бўлиб, у бизнес эгалари учун ягона, марказлаштирилган портал бўлиб, 300 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланишни таъминлайди, хусусан бизнеси рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш учун аризалар тўлдириш ва тадбиркорлар учун бошқа давлат хизматларидан фойдаланишга оид йўл-йўриқлар мавжуд. Бундан тизимнинг бўлгани жуда қулай албатта. Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор электрон платформалар фаолияти йўлга қўйилганилигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, license.gov.uz ёки my.gov.uz электрон платформалар, фикримизча фақат тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматларини кўрсатиш учун алоҳида платформа ишлаб чиқиш мақсадга

мувофиқ. Мазкур платформа ўз ичига тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш), лицензия ва рухсатнома олиш учун аризалар топшириш, ҳисоботлар топшириш ва бошқа йўл-йўриқларни олиши керак.

Давлат хизматларини кўрсатишда ўзига хос натижаларга эришган давлатлардан бири Канада ҳисобланади. Бу давлатда давлат хизматларини ислоҳ қилишга мамлакат ҳудудининг кенглиги, аҳолининг нотекис зичлиги, маданий хилма-хиллиги, давлатнинг федерал тузилиши кабилар сабаб бўлган. Канада давлат хизматларини ислоҳ қилишда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини ислоҳ қилиш ва давлат хизматларини кўрсатишда ахборот-технологияларини қўллаш каби йўналишлардан борди.

Канада кўрсатиладиган давлат хизматларининг асосий қисми штат субъектлари юрисдикцияси ва хусусий ташкилотларга ўтказилди. Жумладан, ҳайдовчилик гувоҳномалари хусусий ташкилотлар томонидан берилмоқда. Бугунги кунда Канадада давлат хизматларини ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида ушбу соҳаларни хусусий секторга ўтказиш бўлмоқда. Бу эса ривожланган давлатлар ичида давлат хизматларини хусусий секторга тақдим қилаётганлардан биринчилардан бири ҳисобланади. Фикримизча, Канаданинг давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида эришган ижобий жиҳатларини Ўзбекистондаги давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига жорий этиш мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 11 та давлат хизмати хусусий секторга ўтказилган. 2025 йил 27 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай



шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарорининг 3-иловасида 2025 йил 1 июлдан бошлаб хусусий секторга ўтказилаётган давлат хизматлари ва функциялари рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ, мисол учун, ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш ва тақимда турганлик ҳолатини текшириш каби хизматларни хусусий ташкилотлар томонидан берилишини жорий қилиш.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида давлат хизматларини ҳуқуқий тартибга солишнинг учта асосий модели — француз, немис ва англо-саксон моделлари мавжуд. Мамлакатимизда давлат хизматларини ривожлантириш жараёнида ушбу моделларнинг ижобий жиҳатларини ўрганиш ва амалий татбиқ этиш ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, хизматлар сифатини ошириш ва бошқарув самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида ҳар бир модель нуқтаи назаридан юртимиз шароитида қўллаш мумкин бўлган афзал тажрибалар ва механизмларга алоҳида тўхталиб ўтдик. Шу билан бирга, давлат хизматлари соҳасини ислоҳ қилиш ва замон талабларига мос равишда ривожлантиришда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилиш катта амалий аҳамиятга эга.

Хусусан, ушбу давлатлар соҳани ривожлантириш жараёнида дуч келган муаммо ва тўсиқлар, уларнинг сабаблари ҳамда самарали ҳал этиш механизмлари атрофлича ўрганилиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, миллий давлат хизматлари тизимида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни илгаридан бартараф этиш, асоссиз хато ва такрорланишларни олдини олиш,



шунингдек, институционал ислохотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР:

1. El derecho administrativo iberoamericano (Estudios y Comentarios, № 9) / Dir. S. GonzálezVaras Ibáñez, Coord. F. Villalba Pérez. Granada (España): Instituto Nacional de Administración Pública, Unión Iberoamericana de Municipalistas, 2005. P. 63, 64, 729-733; Sánchez Morón M. Derecho administrativo: Parte general. 7a ed. Madrid: Tecnos, 2011. P. 763-789.

2. Corradino M. Il diritto amministrativo. 2 ed. Padova: CEDAM, 2009. P. 1273-1328.

3. El Derecho Administrativo Iberoamericano (Estudios y Comentarios, № 9) / Dir., Coord. Granada: Instituto Nacional de, Iberoamericana de Municipalistas, 2005.

4. Kersten J., 'Die Entwicklung des Konzepts der Daseinvorsorge im Werk von Ernst Forsthoff' // Der Staat. – D., 2005. – Bd. 44, Heft 4. – S. 543-570; Bull H.P., 'Daseinvorsorge im Wandel der Staatsformen', Staat 47, 2008. P. 1-19.

5. Э. Шмидт-Ассманн Кодификация законодательства об административных процедурах: традиции и модели // Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. С. 354-355.

